

СИНХРОНИЯ ВА ДИАХРОНИЯДА ТИЛ ТАДҚИҚОТИ



Ғанишер РАҲИМОВ

ректор

филология фанлари номзоди

Самарқанд давлат чет тиллар институти

ganisher1@rambler.ru

ENGLISH FRANCA ТИЗИМИДАН Фойдаланувчилар Ёзган Матнларнинг Социолингвистик Хусусиятлари

(Давоми. Боши 1-сонда)

Журналимизнинг 2016 йил 1-сонида бошланган мақолани чоп этишни давом эттирамиз. English franca тизимидан фойдаланувчилар ёзган матнларнинг социолингвистик хусусиятлари тадқиқига бағишланган бу мақолада чет тилида матн тузиш ва умуман, фикрни ёзма баён қилиш қобилиятини шакллантириш хорижий тилларни ўқитишни такомиллаштиришнинг энг долзарб масалаларидан бири сифатида таҳлил этилган.

Продолжаем публикацию материала, опубликованного в нашем журнале № 1, 2016 г. В данной статье исследуются социолингвистические особенности письменных материалов пользователей сети English franca. Формирование компетенции при составлении текста и письменном изложении мыслей на иностранном языке анализируется как один из важнейших способов совершенствования преподавания иностранных языков.

We continue to publish materials that started publishing in the first issue of our journal 2016. The article deals with the analysis of sociolinguistic features of written materials of English Franca network users, and the competences in writing and expression of ideas in written form in general is analyzed as one of the most important problems of enhancement of teaching foreign languages.

Ўтказган тажриба-назоратимизнинг иккинчи қисмида матннинг мазмуний ва таркибий яхлитлигини ҳосил қилувчи метадикурсив бирликларнинг турли вазифаларда келиш ҳолатлари ўрганилди. Метадикурсив категориялар тадқиқи билан шуғулланган олимлар уларни “матн метадикурсивлари” (*textual metadiscourse*) ва “шахслараро муносабат

метадискурсивлари” (*interpersonal metadiscourse*) гуруҳларига ажратиб таснифлайдилар(7, 46-47).

Биринчи гуруҳдагилар қуйидагилар:

1. Матн боғловчилари. Бу боғловчилар матннинг тартиблашуви, ундаги турли қисмларининг қай йўсинда ўзаро функционал ва семантик боғлиқлигини фаҳмлашга туртки беради (e.g. first, next, however, but).

2. Код мазмунига ишоралар (*code glosses*). Ушбу глосслар сўзлар ва бирикмалар маъносини англашга ёрдам беради (e.g. X means Y).

3. Иллокутив кўрсаткичлар. Улар матннинг маълум қисмида қандай нутқий актлар фаоллашувини аниқлаштирадилар (e.g. to sum up, to give an example).

4. Нарраторлар (фикр баёни муаллифига ишора). Уларни кўрган ўқувчи у ёки бу фикрни ким айтганлиги ёки ёзганлигини билиб олиши мумкин (e.g. according to X).

Иккинчи гуруҳдан қуйидагилар ўрин олади:

1. Ҳақиқийлик, қонунийлик кўрсаткичлари (*validity markers*), яъни пропозитив маънонинг ҳақиқатга муносабатига ишора берувчилар (e.g. might, perhaps, clearly, obviously).

2. Муносабат кўрсаткичлари (*attitude markers*). Булар муаллифнинг берилаётган маълумотга шахсий муносабатини ифодалаш учун ишлатилади.

3. Изоҳловчилар (*commentaries*). Ушбу бирликлар ўқувчиларни муаллиф билан диалогик мулоқотга киришишга ундайди (e.g. you may not agree that, dear reader, you might wish to read the last section first).

Биз худди шу гуруҳлардаги метадискурсив бирликларни турли миллат вакиллари муаллифлигида инглиз тилида ёзилган мақолалар матнида қўлланиш даражасини аниқлашга ҳаракат қилдик. Бунинг учун тўпланган мақолалар матнларни *Software Word Smith Tools 5.0* методикаси асосида луғавий таҳлилдан ўтказдик. Бунда у ёки бу гуруҳдаги метадискурсив бирликнинг қўлланиш частотаси (даражаси) матндаги ҳар минг сўзга нисбатан белгиланди. Ушбу таҳлил натижалари қуйидаги жадвалда акс эттирилди.

1-жадвал:

		Text connectives				Code glosses	Illocution markers		Narrators	Validity markers		Attitude markers		Commentaries	Умумий сўз сон
Uzbek-English	%	0,18%	0,03%	0,03%	0,23%	0,25%	0,00%	0,00%	0,05%	0,00%	0,00%	0,00%	0,00%	0,00%	3969
	сон	7	1	1	9	10	0	0	2	0	0	0	0	0	
	жами	0,45%				0,25%	0,00%		0,05%	0,00%		0,00%		0,00%	
Russian-English	%	0,10%	0,02%	0,03%	0,20%	0,12%	0,00%	0,00%	0,09%	0,01%	0,00%	0,00%	0,00%	0,00%	23401
	сон	23	4	7	46	29	1	0	22	3	0	0	0	0	
	жами	0,34%				0,12%	0,00%		0,09%	0,01%		0,00%		0,00%	
Spain-English	%	0,49%	0,02%	0,15%	0,12%	0,05%	0,00%	0,00%	0,10%	0,05%	0,01%	0,00%	0,00%	0,00%	10927
	сон	54	2	16	13	6	0	0	11	6	1	0	0	0	
	жами	0,78%				0,05%	0,00%		0,10%	0,06%		0,00%		0,00%	
Korean-English	%	0,11%	0,10%	0,21%	0,05%	0,55%	0,00%	0,00%	0,07%	0,03%	0,01%	0,00%	0,00%	0,00%	11176
	сон	12	11	23	6	61	0	0	8	3	1	0	0	0	
	жами	0,47%				0,55%	0,00%		0,07%	0,04%		0,00%		0,00%	
Chinese-English	%	0,11%	0,00%	0,14%	0,39%	0,16%	0,00%	0,00%	0,13%	0,00%	0,00%	0,00%	0,00%	0,00%	11456
	сон	13	0	16	45	18	0	0	15	0	0	0	0	0	
	жами	0,65%				0,16%	0,00%		0,13%	0,00%		0,00%		0,00%	
		First	Next	However	But	X means Y	To sum up	To give an example	According to X	Might	Perhaps	Surprisingly	it is fortunate	You may not agree that	

Жадвалдан келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, *English for Speciaps Purposes* вариантнинг турли маданиятларда қўлланиши бир хил ёки бир текис кечмайди. Матнларда метадикурсив бирликлар қўлланишида кузатилаётган фарқлар кўпгина ҳолатларда социокультурологик асосга эга. Масалан, *validity makers* қаторига кирувчи *clearly, obviously, might, perhaps* каби бирликларнинг *Spain English, Korean English* вариантларида тез-тез қўлланиши ушбу миллат вакилларининг фикр баёнида эҳтиёткорликни маъқул кўришларидан дарак берса, фикр изҳорида аниқликни ёқтирадиган рус ва ўзбек олимлари мақолаларида иллокутив кўрсаткичларни етарли миқдорда учратишимиз мумкинлиги ушбу миллат вакилларининг ўзига ишончи юқори эканлиги билан изоҳланади. Финляндиялик матншунос А.Мауранен ёзганидек, “*There is ample evidence that all writing is strongly anchored in the values of the writing cultures that people get socialized into as they learn to write. It can therefore be assumed that two sets of values are simultaneously at work in the writing of a scientific report: those common to the academic community and those held in esteem in the writer’s national culture. Both sets of values can be expected to leave their traces on texts*”(26, 239).

Миллий маданият чет тилида ижод пайтида қандай кўринишларда “из” қолдириши мумкинлигини аниқлаш мақсадида яна бир турдаги матнларни таҳлилдан ўтказишга қарор қилдик. Бу турдаги матнлар профессионал ёзишмалар намуналаридан иборат бўлиб, биз уларни хорижий

университетлардаги ҳамкорларимиз ёрдамида ва бизнес коммуникацияга оид ўқув қўлланмаларидан тўпладик.

Бизнес мулоқот ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, муайян прагматик мақсадни амалга ошириш учун олиб борилади. Бизнес ёзишмалар, қайси тилда битилишидан қатъий назар, умум қабул қилинган шаклда тузилади. Бу жанрдаги барча хатларда коммуникация интерактив йўналишда кечиши назарга тутилади, ўзаро ҳамкорлик шартлари маълум қилинади ҳамда ушбу ҳамкорлик иштирокчиларининг шахси аниқ кўрсатилади. Расмий хужжат сифатида қабул қилинадиган ушбу хатлар адресат (саломлашиш қисмида) ва муаллиф (имзо чекишида), шунингдек, сана ҳақидаги маълумотга эга бўлади. Ҳурмат, эҳтиром ва ҳамкорликка оид таклиф, илтимосларнинг билдирилиши ҳам ушбу жанрдаги матнларнинг умумий шаклий қоидаларидандир (Қаранг: 22; 39.). Аммо бу қоидаларнинг лисоний воқеаланишида миллий маданият нормалари ўз аксини топишининг гувоҳи бўлди. Ҳатто, АҚШ ва Буюк Британияда чоп қилинган бизнес коммуникацияга оид дарсликларда ҳам бундай лисоний-маданий хусусиятли фарқлар ўз аксини топган. Жумладан, америкача вариантда илтимос, таклифнинг очиқ ва қатъий ифодаланиш талаби қўйилган бўлса, Британияда чоп қилинган дарсликларда илтимоснинг эҳтиёткорона расмий, қабул қилинган намуналар шаклида ифодалаш маслаҳати берилган. Демак, америкаликлар хатларида илтимос адресат мўлжалини олса, инглизлар бизнес мактубларида илтимос мактуб муаллифи мўлжалида бажарилишини маъқул кўрадилар. Бунда муаллиф адресатни таклифининг унга фойда келтиришига ишонтиришга уринади ва шунга биноат хат матнининг шакли танланади, мазмунни ифодалаш учун зарур бўлган лисоний воситалар гуруҳи белгиланади.

Жамланган бизнес мулоқотга оид матнлар таҳлили натижасида турли миллат вакиллариининг ахборот хатлари алмашинувларида миллий-маданий колорит сезилиб туради. Масалан, рус ва немис тадбиркорларининг мактубларида таклиф муаллифи ўз шахсини алоҳида кўрсатишга интилади ва уларнинг матнларида “I” олмошига алоҳида ўрин ажратилади. Ҳатто кенг миқёсда фойдаланилаётган мажхул даража шаклидаги тузилмаларда ҳам ҳаракат агентини белгиловчи шахс олмоши доимо мавжуд бўлади.

Хитой, корейс ва ўзбек муаллифлари томонидан битилган бизнес коммуникацияга оид номалар адресат ва адресат мўлжали муҳим эмас. Уларда мўлжал кўпроқ муаллиф ва ўқувчи муносабати, аниқроғи, ҳамкорлик сари йўналтирилган бўлади. Матн шакли, мазмуни ва услуби ушбу муносабатни ўрнатишга кўмак беради. Қўлланилаётган иборалар

колиплашган ҳамда бундай расмиятчилик руҳидаги баён услуби ҳамкорлик ва муносабатларнинг ўрнатилиши ва ривожига замин тайёрлайди.

Французлар яратаётган бизнес хатларда шахсга урғу бериш ва дўстона муносабатни ўрнатишга интилиш камроқ сезилади, илтимос ва таклифлар муаллиф қизиқишида маълум қилинаётганлиги сезилиб туради. Олдинги тадқиқотчилар кузатганларидек, “француз бизнес хатларининг энг ижобий хусусияти уларнинг оқилона, мулоҳазакорлик, равонлик руҳида” ёзилишидадир (17, 333).

Санаб ўтилган сифатлар таҳлил қилинган матнлар лисоний таркибида ўз аксини топишини кузатамиз. Матнлар таҳлилида биз эътиборни уларда эпистемик модалликни ифодаловчи воситаларнинг қўлланиш ўрни ва даражасини аниқлашга ҳаракат қилдик. Тадқиқотларда кўрсатилишича, эпистемик модаллик мазмуни асосида “ахборотнинг ишончли ёки ишончсизлигини белгиловчи ҳолат ётади” ҳамда берилаётган баҳо “воқелик ҳақидаги билимнинг қай даражада бўлиши ва ушбу билимнинг ҳақиқатга қай даражада яқинлигини кўрсатади” (43, 98). Воқеа-ҳодисалар ҳақидаги билимни баҳолаш жараёнида, ҳақиқийлик билан бир қаторда, эҳтимолликка йўл қўйилади (40, 163; 48; 19). Таҳлиллар кўрсатадики, эпистемик модаллик мазмунини ифодаловчи кўрсаткичларнинг асосий қисмини модал сўзлар, тўлиқ маъноли феъллар, равишлар ташкил қилади. Ушбу вазифада сифат ва отларнинг учраши қарийб кузатилмайди. Шу билан бирга, бу белгиларнинг матнлар қисмларида тақсимланиши турлича кечади. Бинобарин, номаларнинг кириш қисми кўпроқ стереотип-қолипли кўринишда бўлганлиги боис унда модал сўзлар, эпистемик равиш ва бошқа шу мазмундаги бирликларнинг қўлланиши кам учрайди. Ушбу номаларнинг асосий қисмида (*body section*) муаллиф таклиф ва илтимосларини маълум қилаётиб, шу заҳотиёқ уларнинг фойдали жиҳатларини изоҳлашга, адресатни бўлажак ҳамкорлик самарасига ишонтиришга ҳаракат қилиш билан бирга, яна бошқа таклифлардан ҳам фойдаланиш эҳтимоли йўқ эмаслигини эслатиб ўтади. Натижада, ушбу қисмда эпистемик иборалар, бирликлар кўпроқ миқдорда фаоллашади. Эпистемик фикр ва мулоҳазалар тавсифий хусусиятга эга бўлиб, матнга баҳо мазмунини бағишлайди. Қуйида эпистемик модаллик мазмунини турли миллат вакиллари томонидан битилган бизнес мулоқот матнларида фаоллашув даражасини акс эттирган жадвални келтираемиз.

2-жадвал:

Эпистемик бўриклар Variants	Modal Verbs	Lexic Verbs	Epistemic adverbs	Epistemic adjectives	Epistemic nouns	Epistemic phrases
American English	24 %	15%	12%	7%	5%	37%
British English	22%	18%	19%	8%	3%	30%
French English	26%	14%	16%	10%	5%	29%
German English	31%	19%	14%	7%	7%	20%
Korean English	18%	12%	21%	6%	2%	43%
Chinese English	24%	11%	18%	9%	6%	32%
Uzbek English	30%	22%	19%	2%	7%	30%

Равшанки, фикрни ёзма баён қилиш инсоннинг муаммо-ечимини излашга йўналтирилган фаолияти намунасидир, зотан ёзиш жараёни оддий, бир текис кечадиган жараён. Ёзиш фаолияти ғоя, фикр туғилиши ва унинг ментал қолипланиши билан бошланади, кейинги босқичда эса мақсад аниқланиб, режа тузилади. Ушбу когнитив фаолият асосида бажариладиган лисоний воқелантириш амалиёти матннинг яратилиши, унинг адресатга етказилиши билан тугайди. Матн ижодининг чет тилида бажарилишида эса бу фаолият миллий-маданий, лисоний омиллар таъсирида янада мураккаблашади.

Шу боис иккинчи тилни ўргатиш методикаси билан шуғулланаётган мутахассислар матннинг ижтимоий-маданий ҳодиса эканлигини, чет тилида ёзиш малакасини шакллантириш турли когнитив амаллар бажарилишини талаб қилишини унутмасликлари лозим.

Чет тилида матн тузиш ва умуман, фикрни ёзма баён қилиш қобилиятини шакллантириш муаммоси мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитишни такомиллаштиришнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди. Бу борада амалга оширилаётган тадбирлар замонавий методика талабларига тўлиқ жавоб берадиган даражада эмас. Ҳозирги пайтда қўлланилаётган ўқув режалари ва дастурларда ёзув амалиётини шакллантиришга мўлжалланган дарс соатларининг миқдори кам, ёзув назарияси ва амалиётига оид махсус дарслик ва қўлланмалар яратилмаган, шу соҳага оид илмий тадқиқотлар қарийб олиб борилмаяпти, илмий-амалий тадқиқот лойиҳалари таклиф қилингани йўқ. Ҳолбуки, бу борада бошқа мамлакатларда ўрганса арзийдиган тажриба тўпланган. Жумладан, турли методист олимлар иштирокида бажарилаётган *NORDTEXT* ва *NORDWRITE* лойиҳаларида шимолий мамлакатлар ўқувчи-талабаларида ёзув, матн тузиш

малакаларини шакллантириш муаммосига оид тадқиқотлар бажарилмоқда ва тавсияномалар яратилмоқда. Шунингдек, *International Association for the Evaluation of Educational Achievement* ташкилотининг *Study of Written Communication* гуруҳи томонидан таклиф қилинаётган тавсиялардан ҳам унумли фойдаланиш мумкин (Қаранг: Gorman et.al. 1998) .

Фикримизча, ёзув қобилиятини синашга мўлжалланган топшириқларни олий ўқув юртларига кирувчилар бажариши лозим бўлган тест-синовлари саволномасига киритиш имконларини зудлик билан қидириш лозим. Бу борада ҳам хорижий мамлакатлар (масалан, АҚШ) тажрибасига суяниш мумкин. Шунингдек, инновацион марказ томонидан яратилаётган миллий тест тизимини (*CEFR*) шакллантиришда бутун дунёда синовдан ўтган *TOEFL* тизимининг *Test of Written English (TWE)* қисмида эришилган натижаларга эътибор қаратишларини тавсия қилган бўлар эдик.

Хуллас, ёзув малакасини ўстириш чет тили билимини, унда мулоқот юритиш қобилиятини шакллантиришнинг ажралмас қисмидир. Ўз навбатида, ёзма коммуникациянинг самарали кечиши учун тил тизими хусусиятларини билиш, ундан фойдаланиш қонун-қоидалари билан таниш бўлишнинг ўзи етарли эмас. Она ва чет тиллари соҳиблари бўлган халқларнинг маданий қадриятлари, миллий анъаналари ва бошқа ижтимоий-маданий ҳодисалар ҳақида билимга эга бўлмаган шахснинг чет тилида мулоқот юритиш қобилиятини эгаллашига ишониш қийин. Шунинг учун ҳам, ёзма коммуникация қобилиятини шакллантиришга йўналтирилган топшириқлар, бир томондан, ёзиш малакасини ривожлантириш мўлжали билан тузилса, иккинчи томондан ва умуман, инглиз тилидан амалиётда фойдаланиш имкониятини яратиши лозим. Акс ҳолда, талабаларга уларнинг билимини муқобил муҳит ва мазмунда маълум қилиш имконини бермайдиган ҳамда бу борадаги амалий кўникмаларини шакллантирмайдиган топшириқ ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди(16, 200).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ashurova D.I. Text Linguistics. – Tashkent: Tafakkur qanoti, 2012. – 200p.
2. Beaugrande de R.A., Dreeler W. Introduction to Text Linguistics. – London: Longman, 1981. Manba: [http:// WWW. Beaugrande. Com/Intro 1981 Five. htm](http://WWW.Beaugrande.Com/Intro1981Five.htm).
3. Chai G. Texts in Contexts: Understanding Chinese Students English Compositions // Cooper C.R. and Odell L. (eds.) Evaluating Writing.-Urbana, IL: National Council Teachers of English, 1993. – P. 5 – 19.
4. Choi Y.N. Text Structure of Korean Speakers Argumentative Essays // World English, 1988. Vol.7, No.2. – P.129 – 142.
5. Čmerjkova S. Non-Native (Academic) Writing// Writing and Speaking: Language, Text, Discourse, and Communication.–Tubingen: Gunter Narr Verlag, 1994. – P.303–310.

6. Connor U. Linguistic / Rhetorical Measure for Evaluating ESL Writing// Lyons L. (ed). *Assessing Second Language in Academic Contexts*. – NJ: Ablex, 1991. – P.215–226.
7. Crismore A., Markkanen R., Steffensen M.S. *Metadiscourse in Persuasive writing: A study of Texts Written by American and Finnish University Students* // *Written communication*, 1993. Vol.10, No.1. – P. 39 – 71.
8. Darnell R. *Edward Sapir: Linguist, An Thropologist, Humanist*. – Berkley: University of California Press, 1990. – 480 p.
9. Dijk T.A. van, Kintech W. *Strategies of Discourse Comprehension*. – Orlando: Academic Press, 1983.
10. Dijk T.A. van. *Some Aspects of Text Grammar*. – The Hague – Paris, 1982.
11. Fagan E.R., Cheong P. *Contrastive Rhetoric: Pedagogical Implication for the ESL Teacher in Singapore* // *RELC: Journal of Language Teaching and Research in Southeast Asia*, 1987. Vol.18.No.1. – P.19 – 31.
12. Foley J. (ed) *English in New Cultural Contexts*. – New York: Oxford University Press, 1999.
13. Halliday M.A.K., Hasan R. *Cohesion in English*.–London: Longman, 1976.
14. Hartman P. *Textlinguistische Tendenzen in der Wissenschaft* // *Folio Linguistika*, 1975. No.8. – P. 1 – 49.
15. Hoffmann E. *Lost in Translation. A Life in a New Language*. – New York: Penguin, 1989.
16. Jalolov J. Makhkamova G., Ashurov Sh. *English Language Teaching Methodology*. – Tashkent: Fan va texnologiya, 2015. – 336 p.
17. Jenkins S., *J.Business Letter Writing: English, French, Japanese* // *TESOL Quarterly*, 1987. vol.21., No. 2. – P.327 – 354.
18. Jositovič S., Mitč S. *Productive Writing for Better Linguistic and Cultural Acquisition by English Language Students* // *Journal of Foreign Language Teaching and Applied Linguistics*, 2014., Vol.1., No.3. – P.233 – 240.
19. Krause M. *Epistemische Modalität: Zur Interaction Lexikalisher und Prosodischer Marker*. – Weisbaden: Harrassowitz, 2007.
20. Larsen-Freeman Long M. *An Introduction to Second Language Acquisition Research*.– London and New York: Longman, 1991. – 398 p.
21. Liebman J.D. *Toward a New Contrastive Rhetoric: Differences between Arabic and Japanese Rhetorical Instruction* // *Journal of Second Language Writing*, 1992.Vol.1, No.2. – P.141 – 166.
22. Maier P. *Politeness Strategies in Business Letters by Native and Non-Native English Speakers* // *English for Specific Purposes*, 1992, vol.11. No.3 – P.189 – 205.
23. Man T.P., Purves A.S., Degenhart R.E. (eds.) *The IEA Study of Written Composition: The International Writing Tasks and Scoring Scales*. – New York: Pergamon Press, 1998.
24. Martin J.E. *Towards a Theory of Text for Contrastive Rhetoric: An Introduction to Issues of Text for Students and Practitioners of Contrastive Rhetoric*. – New York: Peter Lang, 1992.
25. Mauranen A. *Cultural Differences in Academic Rhetoric*. – Frankfurt am Main: Peter Lang, 1993.
26. Mauranen A. *Reference in Academic Rhetoric: A Contrastive Study of Finnish and English Writing*. In: *Nordic Research on Text and Discourse. Nord Text Symposium*.–Abo: Abo Academy Press, 1992. – P.273 – 250.
27. Ostman J.O., Virtanen T. *Discourse Analysis*. In: Verschueren J., Ostman J.O. and Blommaert J. (eds.) *Handbook of Pragmatics*. – Amsterdam: John Benjamins, 1995. – P.239 – 253.
28. Pennycook A. *The cultural politics of English as an International Language*. – London: Longman, 1994.
29. Sayfullayeva R., Mengaliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunosova Z., Abuzalova M. *Hozirgi O'zbek adabiy tili*. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2010. – 404 b.

30. Silva T. Toward an Understanding of the Distinct Nature of L2 Writing: The ESL Research and its Implications // TESOL Quarterly, 1993.vol.27, No.4 – P.657 – 677.
31. Svalberg A. Language Awareness in language learning and teaching: A research agenda // Language Teaching, 2012, vol.45, No.3. – P.376 – 388.
32. Tang Y. Beyond behavior: Goals of cultural learning in the second language classroom // Modern Language Journal, 2006.V.90, No.1. – P.86 – 99.
33. Tannen D. (ed.) Coherence in Spoken and Written Discourse. – Norwood: Ablex, 1990.
34. Tierney R.J., Mosenthal J.H. Cohesion and Textual Coherence // Research in the Teaching of English, 1983. Vol.17. – P.215 – 229.
35. Wierzbicka A. Semantics, Culture and Cognition. – New York – Oxford: University Press, 1992.
36. Winegar L.T. Can internalization be more than a magical phrase? Notes towards the constructive negotiation of this process. In: Lightfoot C. and Cox B.D. (eds.) Sociogenetic Perspectives on Internalization. – Mahwah – New York: Lawrence Erlbaum, 1997. – P.25 –39.
37. Witte S.P., Faigley L. Coherence, Cohesion, and Writing Quality // College Composition and Communication, 1981. Vol.32, No.2. – P.189 – 204.
38. Worth B.L. Language, Thought and Reality: Selected writings of Benjamin Lee Worth. – Cambridge, Ma: MII Press, 1956.
39. Yli-Jokipii H. Running against Time and Technology: Problems in Empirical Research into Written Business Communication// Communication and Discourse across Cultures and Languages. – Finland: Kori – Jyvä, 1994. – P.59 – 72.
40. Беляева Е.И. Достоверность// Теория функциональной грамматики. – Ленинград: Наука, 1990.
41. Богданов В.В. Текст и текстовое общение. – Санкт-Петербург: Изд-во СПб. у-та, 1990. – 89 с.
42. Боймирзаева С. Матн мазмунида темпораллик семантикаси. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2009. – 190 б.
43. Боймирзаева С. Матн модаллиги. – Тошкент: Фан, 2010. – 151 б.
44. Вежбицкая А. Сопоставление культур через посредство лексики и прагматики. – Москва: Языки славянской культуры, 2001. – 272 с.
45. Выготский Л. Мышление и речь. Сборник. – Москва: Хранитель, 2008. – 668 с.
46. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – Москва: Наука, 1981.
47. Гачев Г. Ментальности народов мира. – Москва: Эксмо Алгоритм, 2008. – 544 с.
48. Ёкубов Ж. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланишининг семантик хусусиятлари. –Тошкент: Фан, 2005.
49. Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология. – Москва: Гнозис, 2002. – 284 с.
50. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт, 2012. –150 б.
51. Москальская О.И. Грамматика текста. – Москва: Высшая школа, 1981. – 184 с.
52. Новиков А.И. Семантика текста и её формализация. – Москва: Наука, 1983. – 216 с.
53. Сафаров Ш. Система речевого общения: универсальное и специфическое. – Самарканд: Изд-во им. Гафура Гуляма, 1991. –171 с.
54. Фалсафа. Қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 496 б.
55. Чернявская В.Е. Интерпретация научного текста. – СПб.: Нестор-История, 2004. – 128 с.